
СЎХНИНГ ЖАВПАЯ МАССИВИДА АНОР, ЗАЪФАРОН ВА НАЪМАТАК ПЛАНТАЦИЯЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров ва вилоят секторлари раҳбарлари туманнинг Жавпая массивида ҳам бўлдилар.

Президентимизнинг фойдаланилмаётган ерларда ирригация ишларини бажариш ва сувни тежовчи технологияларни жорий қилиш, кам сув талаб қиладиган экинлар экиш ҳисобига ўзлаштириш, бу ерларни ёшларга бўлиб бериш орқали уларни иш билан, даромад билан таъминлаш борасидаги топшириқларидан келиб чиққан ҳолда, вилоят раҳбарининг ташаббуси билан бу ерда 1000 гектар ерни ўзлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Ўзлаштириш режалаштирилган майдоннинг дастлабки 80 гектарида аҳолига тақдим этилган имтиёзли кредитлар асосида 10 сотихли иссиқхона-лимонрийлар ташкил этилди ва барпо этиш яна давом эттирилмоқда. Худудга тўла электр тармоғи тортилди.

Вилоят раҳбари бугун Жавпая массивига сув таъминотини йўлга қўйиш бўйича амалга оширилаётган ишларни кўздан кечирди. Бу ерга секундига 200 литр сув тортиш қувватига эга 5 та насосдан иборат станция ёрдамида Қалача ариғидан 426 мм диаметрли қувур билан 5 км тармоқ тортиб, 223 метр баландликка сув чиқариш бўйича иш олиб борилмоқда. Бу мақсадга жами 21 миллиард сўм маблағ вилоят маҳаллий бюджети ҳисобидан ажратилди. Хайрулло Бозоров вилоят сув хўжалиги масъулларига ушбу ишларни 1 октябргача якунлаш бўйича топшириқ берди.

Жавпая массивида сув таъминотининг йўлга қўйилиши билан ўзлаштиришга тайёр бўлган 400 гектар майдонга анор, заъфарон ва наъматак плантациялари ташкил этиш бўйича тадбиркорлар билан мулоқот ўтказилди. Вилоят ҳокими ушбу плантацияларни сифатли кўчатлардан фойдаланган ҳолда ташкил этишни мувофиқлаштириш бўйича туман ҳокимига вазифа юкледи.

Шунингдек, вилоят ҳокими томонидан “Агробанк” АКБ вилоят филиали раҳбарига худуддаги кам таъминланган, эҳтиёжанд оилалар бандлигини таъминлаш учун 2 ой ичида мавжуд субсидиялар ҳисобидан 20 та оила учун 10 сотихли иссиқхона-лимонрий қуриб бериш топшириғи юкланди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-08-24 23:55:15